Ушбу сонда:

2 ЁШЛАР КАМОЛОТИ

3 *Бир хат изидан* НОГИРОННИ ҚЎЛЛАШ ШУНЧАЛИК ҚИЙИНМИ?

4 СЕВИМЛИ ЁЗУВЧИМИЗ АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИ ЭСЛАБ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 11 апрел, чоршанба №55 (1069)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ





Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 апрел куни Оқсарой қароргоҳида Америка Олий ислом кенгаши раиси шайх Муҳаммад Ҳишом Қаббоний ҳамда дунё Нақшбандия тариқати издошлари раҳнамоси шайх Муҳаммад Нозим Одил ал-Ҳаққонийни қабул қилди.

Мулоқот чоғида Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонда ислом ва бошқа динлар равнақи, халқнинг диний билимини ошириш, шунингдек, минтақада динни ниқоб қилиб олган айрим экстремистик ҳаракатларга қарши кураш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Меҳмонлар Ўзбекистонда ислом дини ва у билан бир қаторда бошқа динлар ривожи учун амалга оширилаётган улкан ишлар ҳамда мамлакатда ислом таълимини чуқурлаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларга юксак баҳо берди. Шунингдек, минтақада диний экстремизм томир ёйишининг олдини олиш борасида узоқни кўзловчи сиёсат юритилаётгани ҳам алоҳида эътироф этилди.

Учрашувда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар хусусида ҳам сўз борди.

(ЎзА).

Қарши шаҳрида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлашга ихтисослашган «Эрмос» Ўзбекистон-Греция қўшма корхонаси тузилди. Янги корхонанинг низом жамғармаси 150 минг АҚШ доллари миқдорида белгиланган бўлиб, унинг 58 фоизи грециялик тадбиркорларга тегишли.

«ЭРМОС» - ҚЎШМА КОРХОНА

Қўшма корхона мутасаддиларининг айтишича, бошланғич маблағдан ташқари чет эллик ҳамкорлар вилоят ҳудудидаги боғ, узумзор, иссиқхоналарни тиклаш, ер майдонларининг ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш мақсадлари учун 6 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратишни ният қилиб турибди.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ МАЪНАВИЯТ МАСКАНИГА ТУҲФАСИ

Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида буюк бобокалонимиз ҳазрат Алишер Навоийнинг «Хазойинул-маоний» асари нодир қўлёзма нусхасини мазкур муассасага топшириш маросими бўлди. Унда таниқли шарқшунос олимлар, олий ўқув юртларининг ўқитувчи ва талабалари, мумтоз шеъриятимиз ихлосмандлари иштирок этди.

Шарқшунослик институти ректори, академик Н.Иброҳимов маросимни очар экан, истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан миллий қадриятларимизни тиклаш, неча минг йиллик маънавий-маърифий меросимизни асраб-авайлаш, мустамлакачилик даврларида хорижга олиб чиқиб кетилган маданий ёдгорликларимизни аниқлаш ва юртимизга қайтариш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Айтиш жоизки, шу мақсадда Олий Мажлис ҳузурида махсус комиссия тузилиб, фаол иш олиб бораётгани айниқса эътиборга моликдир. Бу ишга хорижда яшаётган ҳамюртларимиз ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Хусусан, Туркияда истиқомат қилаётган бир гуруҳ ватандошларимиз улуғ бобокалонимиз ҳазрат Алишер Навоийнинг «Хазойинул-маоний» мажмуасининг ўтган асрнинг йигирманчи йилларида Ўзбекистондан олиб чиқиб кетилган қўлёзма нусхасини Президентимиз Ислом Каримовга юборишди.

Давлатимиз раҳбари бу беназир асарни шеърият мулки султонининг рамзий уйи - Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейига туҳфа этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов қўлёзмани музейга топширар экан, бу шеърий обида буюк бобомизнинг 560 йиллик таваллуд тўйи юртимизда кенг нишонланаётган бир пайтда топилгани ва халқимизга қайтарилгани, шубҳасиз, Алишер Навоий ижодига, миллий маънавиятимизга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатимизнинг яна бир белгиси эканини қайд этди.

Кези келганда шуни айтиш керакки, жаҳон адабиётининг энг нодир намуналаридан бири ҳисобланган бу шеърий мажмуа тўрт девондан иборат бўлгани учун халқимиз орасида «Чор девон» номи билан ҳам шуҳрат қозонган. Ундан буюк шоирнинг барча жанрдаги шеърий асарлари ўрин олган.

Мазкур қўлёзма XVIII асрда Самарқандда Уста Бобожон ўғли Мулла Муқимжон Самарқандий исмли хаттот томонидан кўчирилган. У жами 967 саҳифадан иборат бўлиб, ҳар бир варағи бўйига 52, энига 30 сантиметрни ташкил этади. Асар машҳур Самарқанд қоғозига настаълиқ усулида битилиб, қалин яшил муқова билан ғилофланган. Ўша вақтдаги анъанага кўра, шеърий байтлар саҳифаларнинг ўртасига ёзилган, ён томонларида эса нақшлар ва шарҳлар учун жой қолдирилган.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Э.Воҳидов, мазкур музей директори С.Ҳасанов ва бошқалар анжуманда сўзга чиқиб, миллий ғуруримиз ва ифтихоримиз тимсоли Алишер Навоий ҳазратларининг бу ноёб асари - «Маънолар хазинаси» навоийшуносларимиз томонидан аллома фаолиятини янада чуқур ўрганиш, халқимиз, айниқса, ёшларимиз маънавий дунёсини бойитишга хизмат қиладиган кўплаб тадқиқотлар юзага келишига манбаа бўлишини таъкидлаб, қўлёзмани ўз соҳиби - улуғ мутафаккир номидаги музейга совға қилгани учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

(ЎзА).

Пири бадавлатларимиз

СИР ВОҲАСИДА

энг узоқ умр кўрганлар

Ховоснинг бетакрор сўлим табиати, мўътадил иқлими бор. Ривоят қилишларича, бир подшоҳнинг гўзал қизи оғир дардга чалиниб, етти иқлим табиблари ҳам унинг дардига даво топишолмабди. Ғам-андуҳга тўлган шоҳ бемор қизини олиб йўлга тушади. Кўп ўлкаларни кезади. Карвон ҳозирги Ховос кўрғонидан ўтаётган бир чоғда ҳушсиз малика кўзини очиб тилга киради: «Отажон, бирпас тўхтайлик. Бу ерда ажиб бир ҳавони ҳис қилаяпман» дейди. Подшо амри билан карвон шу жойда тўхтайди. Малика тезда соғайиб, бу ўлкани ўзига макон тутган экан. Афсоналар-ку ўз йўлига. Аммо Сир воҳасида ховосликлар энг узоқ умр кўрувчилар ҳисобланишади. Билмадик, бу ўлка табиатида қандай сиру-синоат бор экан...

Ховосда аср тенгдоши бўлган нуронийлар кўп. Туманнинг Қайрма қишлоғида яшовчи табаррук онахон Холбуви Жомирзаева 105 ёшни қаршилаган. «Соҳибкор» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Зайнабхон ая Тошбоева ҳамда «Навбаҳор»лик Умри ая Жўраевалар эса юздан ошдилар. Улар ҳали ҳам бардам.

- Оталаримиз, умр йўлдошларимиз борар манзилимизни, юрар йўлларимизни англаёлмай ўтди, — дейди Зайнаб ая Тошбоева. - Оллоҳнинг иноят ила ҳурликка, эришдик. Уни кўриш бизларга насиб этди. Ортимизда қоладиган фарзанду-набираларимизни бахтдан айримасин.

Кексалар тилаги доимо ижобат бўлғусидир. Улар истиқболига ҳар тонг шошиламиз. Чунки нуронийлар бор уй табаррук ва файзли. Наврўз байрами муносабати билан онажонларга қимматбаҳо совға-саломлар улашилди. Оналар дуога қўл очиб озод ва обод юртнинг содиқ фарзандларига бахт-саодат тилашди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Пойтахтнинг Мирзо Улуғбек тумани меҳнаткашлари жорий йилнинг биринчи чорагида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирма нархларда 3,2 миллиард сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарди. Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш тегишли равишда 289 миллион сўмга, хизматлар 1 миллиард сўмга, шу жумладан маиший хизмат кўрсатиш уч баравар ўсди.

МАИШИЙ ХИЗМАТ

уч баравар ўсди

«Тошкент машинасозлик корхонаси» акционерлик жамиятининг ишлаб чиқариш фаолиятини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Корхона бир неча йилдан буён самарасиз фаолият юритиб келган эди. Ўтган йилнинг биринчи уч ойида бу ерда бор-йўғи 3,8 миллион сўмга тенг маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг шу даврида машинасозлар деҳқонларга 161 миллион сўмлик пахта тозалаш ускуналарини етказиб берди.

Тошкент трактор заводида ҳам амлга оширилган ишлар 2000 йилнинг биринчи чорагига нисбатан қарийиб 3 миллиард сўмга кўпайди. «Куримфармсаноат» Ўзбекистон-Ҳиндистон қўшма корхонаси ишчилари ҳам кўзланган мақсадларга эришмоқда. Бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг биринчи чорагида 371 миллион сўм бўлган бўлса, жорий йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 947 миллион сўмни ташкил этди.

АЛПЛАР АКАДЕМИЯСИ

Ўзбек миллий курашининг асл ватани Сурхондарёда Ўзбекистон Республикаси «Кураш» академиясининг филиали очилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган йиғилишда академия президенти, профессор Жўрақул Турсунов сўзга чиқиб, азалдан воҳада алп полвонлар давра айланиб, куч-қудратини намойиш этиб келганини, эзгуликка йўғрилган ўлмас бу анъана бизгача етиб келиши ва Ватанимиз мустақиллиги йилларида ўзбек миллий курашининг довруғи оламга ёйилиши катта бахт эканлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, воҳада кураш тушиб, кураги ерга тегмаган не-не полвонлар тўғрисида кексалар ҳали-ҳануз мароқ билан гапириб юради. Зўр полвоннинг орияти-да зўр бўлади. У қаерда белига белбоғ бойлаб кураш тушмасин, энг аввало ўз халқи, Ватанининг номусу орини, шону шавкатини ҳимоя қилган. Бугунги полвонлар ҳам бу анъанани давом эттирмоқда. Воҳадан жаҳонга танилган полвонлар етишиб чиқяпти.

Йиғилишда халқаро тоифадаги ҳакам Жума Тошпўлатов академия филиалининг президенти этиб тасдиқланди.

Чори ТЎХТАЕВ,
ЎзА мухбири.

КОЛЛЕЖНИНГ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРИ

Икки йил муқаддам Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежи «Ўзбекистонда профессионал таълимни қўллаб-қувватлаш» ўзбек-герман ҳамкорлигидаги лойиҳа бўйича намунали билим даргоҳи деб баҳоланган эди. Коллеж бундай мақомга лойиқ топилган мамлакатимиздаги учинчи билим масканидир.

Хорижликлар билан ҳамкорлик таълим жараёнини Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ташкил этиш имконини бермоқда. Тизимни молиявий қўллаб-қувватлаш мамлакатимиз зиммасида. Германия томони компьютерлар, турли техник жиҳозлар билан таъминлайди. Ўтган йили германиялик ҳамкорлар мазкур коллежга 100 минг марка сарф қилди. Бу йил беш ярим миллион сўм ажратяпти. Коллеж педагоглари Германияда бўлиб, тажриба ошириб қайтди.

Коллежнинг таълим соҳасидаги халқаро алоқалари нафақат мамлакатимиздаги ўқув юртларини, балки Марказий Осиё давлатларидаги касб-ҳунар таълими тизимини ҳам қизиқтириб қолди. Яқинда бу ерда касб-ҳунар таълимини молиялаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган республика анжуманида қўшни Қозоғистон ва Қирғизистон республикалари вакиллари ҳам иштирок этди. Бухороликларнинг бу борадаги халқаро тажрибалари анжуман қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

БИР АЖОЙИБ БОҒ БЎЛАДИ

Мамлакатимизнинг жанубий дарвозаси бўлмиш шаҳарнинг қутлуғ тўйи муносабати билан қад ростлаётган «Термизийлар тарихи» музейи теварагида уч гектарлик мевазор боғ барпо этилмоқда. Олма, анор, хурмо, анжир, гилос, ўрик, ёнғоқ каби турфа хил мевали дарахт кўчатлари Деновдаги дендрарий боғидан келтириб ўтқазилди.

Қадим Жайҳун бўйида боғ барпо этилиши авлодларнинг буюк Термизийлар хотирасини абадийлаштириш йўлидаги хайрли ишларидан биридир. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромов янги боғда бўлиб, эзгу ният билан кўчат ўтқазди. Шунингдек, муфтий ҳазратлари бу ердаги кенг кўламли таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари учун диний идоранинг хайрияси сифатида 4 миллион сўм пул ажратилганлигини маълум қилди.

Маълумки, иқтисодиётнинг барқарорлашуви, иш ҳақи ва нафақа пулларининг ўз вақтида тўланиши пул тушириш режасининг бажарилишига боғлиқ. Бу борада Жомбой туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир. Ўтган йил мобайнида кўплаб давлат, хусусий корхоналар, ташкилотларда солиқ ва тушумларнинг тўғри ҳисобланиши, қонунчиликка риоя қилиниши юзасидан режали текширишлар ўтказилди.

МАНСАБДОР ШАХСЛАРГА ЖАРИМА СОЛИНДИ

Текшириш давомида 328 та меҳнат жамоасининг 74 тасида солиқ қонунчилиги қўпол равишда бузилганлиги аниқланди. Давлат бюджетига жами 63328,9 минг сўм миқдорида қўшимча солиқ ва тўлов ҳамда 54851 минг сўм миқдорида молиявий жарима ундирилди. Бу ишга совуққонлик билан қараган корхона ва ташкилотларнинг 100 нафар мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий тафсилотнома тузилиб, уларга 1523,8 минг сўм миқдорида жарима солинди.

Шу ўринда юридик шахсларни солиққа тортиш ва солиқ тушумини назорат қилиш бўлими ходимлари томонидан олиб борилаётган ишларни алоҳида таъкидлаш зарур. Айни пайтда туманда 119 та давлат корхонаси, 895 та мулкчиликнинг турли шаклларидан иборат меҳнат жамоалари мавжуд. Бўлимнинг 8 нафар нозири ўзларига бириктирилган корхона ва ташкилотларда туман прокуратураси, ички ишлар бўлими ходимлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатишмоқда.

Жомбой пахта тозалаш заводида ўтказилган текшириш натижасида солиқ ва мажбурий тўловлардан 65558,2 минг сўм, «Жомбой-Дон» ҳиссадорлик жамиятида 5761,2 минг сўм, «Гулистон» хўжалигида 1441,9 минг сўм, Машина-трактор парки давлат акционерлик жамиятида 4084,5 минг сўм, «Мададкор» машина трактор паркида эса 1965,5 минг сўм яшириб қолинганлиги аниқланди. Ушбу корхона ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларига нисбатан тегишли тартибда маъмурий чора кўрилди.

Эл орасида тадбиркор ва ишбилармонлиги тан олиниб, эл хизматига камарбаста бўлаётган инсонлар номи ҳурмат билан тилга олинади. Уларнинг умумманфаат йўлидаги саъй-ҳаракатлари давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланади. Ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинади.

Лекин, яратиб берилаётган ана шу имтиёз ва қулайликлардан ўз шахсий манфаатини кўзлаб иш юритаётган «тадбиркор»лар ҳам йўқ эмас. Тумандаги умумий овқатланиш ва савдо шаҳобчаларида ўтказилган текшириш натижасида ана шундай «чап чўнтак»ни ўйловчилар қилмиши фош этилди. Улар томонидан содир этилган қонунбузарлик ҳолатларига нисбатан кескин чоралар кўрилди. Масалан, «Жомбой чироқлари» ошхонасидаги бир ойлик нақд пул тушуми 108,3 минг сўм бўлгани ҳолда давлат хазинасига ҳар ойда атиги 10-15 минг сўм топширилган. Бундан ташқари, ноқонуний савдо қилаётган фуқаролардан жами 141,6 минг сўмлик акциз маркасиз тамаки маҳсулоти, 79 шиша спиртли ичимликлар олиниб, мусодара қилинди. Бу маҳсулотлар суд қарори асосида давлат дўконларида сотилиб, маблағ давлат бюджетига кирим қилинди.

Солиқ инспекцияси ходимларига тўловларнинг бюджетга тўлиқ ва муддатида туширилишини таъминлаш вазифаси юклатилган. Шу эзгу мақсад йўлида собиткадамлик билан иш олиб бораётган жомбойлик солиқчилар ишончни оқламоқдалар .

Рўзимурод ТУРСУНОВ.

Сабоқ

НАРПАЙНИНГ ҒИШТИ ТЕРМИЗГА ЕТДИ

Термизнинг 2500 йиллик юбилейи олдидан Ал Ҳаким ат-Термизий мақбараси, Султон Саодот мажмуаси, Қирқ қиз, Кокилдор ота каби тарихий обидалар қайта таъмирланмоқда. Қадимий ёдгорликларни асл ҳолига келтириш учун ҳар қандай қурилиш материали ҳам тўғри келавермаслиги маълум. Шунинг учун меъморларнинг тавсияси билан таъмирлашда Нарпай ғишт заводи маҳсулотидан фойдаланилмоқда.

Тарихий обидаларни таъмирлашда Тошкентдаги «Қадрият» ҳиссадорлик жамиятининг Самарқанд бўлими усталари, шаҳрисабзлик меъморлар, «Тўполанг-сувқурилиш» трестининг ишчи-хизматчилари меҳнат қилмоқда.

(ЎзА).

ЁШЛАР КАМОЛОТИ

Қарши Давлат университетининг кундузги бўлимида ҳозирда 3270 талаба, сиртқи бўлимда эса 1990 йигит-қиз таҳсил олмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, бу масканда илмий кенгаш билан бир қаторда маънавий-маърифий ишлар ва ижтимоий муҳофаза Кенгаши фаолият кўрсатмоқда.

Университет маъмурияти касаба уюшмалари билан ҳамкорликда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши, моддий шароитини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг бажарилиши юзасидан аниқ тадбирларни амалга оширяпти.

Шунингдек, кейинги йилларда маънавий-маърифий ишлар кўлами кенгайиб, у ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, йигит-қизлар онгига миллий истиқлол ғояларини сингдиришга йўналтирилмоқда.

Талабалар ва ходимларнинг шарт-шароитларини яхшилаш, ижтимоий муҳофазалаш ҳам касаба уюшмалари диққат марказида бўлиб келмоқда. Хусусан, 3 та талабалар уйи, 975 ўринли умумий овқатланиш шохобчаси, санаторий-профилакторий, оромгоҳ, тиббий ёрдам маскани, почта, 500 минг китоб жамғармасига эга бўлган кутубхона, китоб дўкони ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари талабалар ихтиёрида. Агар 1999 йили университет профессор-ўқитувчилари, ходимлар ва талабаларга 2,5 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам олган бўлсалар, «Соғлом авлод йили»да бу кўрсаткич 3,5 миллион сўмни ташкил этди. Шунингдек, талабаларни санаторий-профилакторийда соғломлаштириш мақсадларига салкам 1 миллион сўм, оромгоҳларда дам олишлари учун 2,7 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

— Булардан ташқари спорт, маданий тадбирлар учун 8,5 миллион сўмликдан зиёд маблағ ажратилди. Оналар ва болалар йилининг дастлабки чорагида ходимлар 2 миллион сўмликка яқин моддий рағбатлантирилдилар.

Университетдаги спорт-соғломлаштириш ишларига ҳам касаба уюшма қўмитаси ҳомийлик қилмоқда.

— Кейинги йилларда касаба уюшма ташкилотлари билан тузилган шартномаларни бажара бориб илмгоҳ раҳбарияти аудиторияларни давр талаблари асосида ташкил этишга алоҳида аҳамият бермоқда, — дейди университетнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори А.Ўроқов. — Хусусан, 1997-2001 ўқув йилларида 200 та замонавий компьютер, қарийб 20 миллион сўмликдан ортиқ ўқув жиҳозлари сотиб олинди.

Галдаги долзарб вазифалар, баъзи муаммолар Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг Раёсат йиғилишида атрофлича кўриб чиқилди. Шунингдек, ходимлар ҳамда талабалар касаба уюшма қўмитаси олиб бораётган ишлар, кадрларни иш билан таъминлаш, шартнома асосида таълим олаётган ёшларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш борасидаги тажрибалар ҳам анжуман иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Ҳозирда илм маскани да 14 та цех касаба уюшма ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Фаолият мезонини касаба уюшмалари Низоми ҳамда «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун белгилайди. Жамоада турли маданий-маънавий тадбирлар биз учун умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифа бўлиб, бу эзгу мақсад йўлида амалга ошираётган ишларимизни изчил ва қатъиятлик билан давом эттириш бугунги сиёсатимизнинг диққат марказида турганини яна бир марта уқтириб ўтмоқчиман» деган эди Президентимиз ёшлар масаласига бағишланган йиғилишда. Бу сўзлар соҳа мутасаддиларини янги ютуқлар сари руҳлантириб туради.

Бугунги кунда аълочи, жамоатчи ва фаол талабаларга берилаётган Президент стипендияси, Абу Али ибн Сино, Беруний, Улуғбек, Навоий номидаги Давлат стипендиялари қаторига касаба уюшма Марказий қўмитаси ва вилоят қўмиталари таъсис этган махсус стипендиялар ҳам қўшилганлиги қувонарли ҳолдир.

Кези келганда таъкидлаш лозимки, ўтган йили 2785 нафар талаба бепул тиббий кўрикдан ўтказилиб, 282 нафари санаторий-профилакторийда соғломлаштирилди. 376 нафар талаба эса «Роҳат» оромгоҳига бепул йўлланма билан таъминланди.

Касаба уюшмаси талабалар уйидаги шароитларни яхшилаш мақсадида «Намунали хоналар» кўрик-танловини ўтказиб, ғолибларни рағбатлантирди.

Бугунги кунда ҳар томонлама намунали деб топилган икки нафар талаба тармоқ касаба уюшма Марказий қўмитасининг ҳамда вилоят қўмитасининг стипендиясини олмоқда.

Раёсат йиғилишида шунингдек, Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Фанлар Академияси бирлашган касаба уюшмалари ихтиёридаги бошланғич ташкилотлар негизида «Таянч касаба уюшма қўмиталари»ни ташкил этиш, Меҳнат муҳофазасининг жамоатчилик назоратини намунали ташкил этиш бўйича республика кўрик-танловининг 2000 йил якуни ҳамда бошқа долзарб масалалар атрофлича кўриб чиқилди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» мухбири.

Олий ўқув юрти ижтимоий муҳофаза Кенгаши иш тажрибасидан

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

САВОБ ИШЛАРГА БОШ-ҚОШ

Бухоролик тадбиркор Ҳамиджон Хўжаев саховатпеша инсонлардан бири . Барокенглик, инсонларга бўлган меҳру-муҳаббат унинг ҳурмат-эътибор келтирди.

Ишбилармон кишиларга яратилган имкониятлар уни ҳам четлаб ўтмади. Вилоят «Тадбиркорбанк»идан олинган кредит ишни янада жонлантиришига имкон берди.

«Зевархон» хусусий фирмаси қад ростлаб, 15 киши иш билан таъминланди. Халққа намунали савдо, маиший хизмат кўрсатишга киришилди. Тез орада қўшимча иш ўринлари яратилди. Эндиликда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда бунёд этиладиган қўшма корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни четга чиқариш мўлжалланмоқда. Пластмасса идишлар, костюм-шимлар харидорлар қўлига тегадиган кунлар яқин. Маош ва мукофот пуллари қўшиб ҳисобланганда фирма ходимларининг даромадлари ойига 30-35 минг сўмдан кам бўлмаётир.

Жамоа ихтиёридаги бинолар атрофи ва бозор дарвозасидан кираверишдаги 500 квадрат метр майдонга нақшинкор ғиштлар териб чиқилди. Савлат тўкиб турган салобатли фаввора қурилишини ҳам Ҳамиджон ўз ташаббуси билан бунёд этди.

Тадбиркорнинг саъй-ҳаракатлари туфайли «Косагарон» маҳалласи ҳам тобора кўркам ва обод бўлиб бора ётир. Байрам арафасида шаҳардаги меҳрибонлик уйига 100 минг сўм маблағ ажратди. Саховатпеша инсон яқин кунларда кичкинтойлар хатна тўйини ўтказмоқчи.

У. НАВРЎЗОВ.

Ислоҳот инсон учун

«Проктер энд Гембл» компанияси 300 дан кўпроқ турдаги товарларни сотиш билан шуғулланади. Дунёнинг 140 дан зиёд мамлакатида унинг бўлимлари фаолият кўрсатади. Ишчи-хизматчиларининг сони 110 минг нафар кишини ташкил этади.

САЛОМАТЛИК МАСКАНИ

Компания дунё бозорини рақобатбардош ювиш, тозалаш, аёллар учун шахсий гигиена буюмлари, пардозлаш ашёлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва алкоголсиз ичимликлар билан таъминлаб келмоқда.

Бугунги кунда компания ваколатхонаси Тошкенда ҳам очилган.

— Компаниямиз бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон истеъмолчилари эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилмоқда, - дейди корпоратив ишлар бўйича менежер Равшан Аҳроров. - Биз улкан салоҳиятга эга бўлган мустақил Ўзбекистоннинг истиқболи порлоқлигига ишонамиз. Мақсадимиз — мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига баҳоли қудрат ҳисса қўшишдир.

Компания маҳаллий илмий муассасалар билан муносабатларнинг ривожланишига ва таълим тараққиёти дастурларини қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратмоқда. Ана шу мақсадда у Марказий Осиё минтақасидаги илм аҳли билан бевосита ўзаро фойдали ҳамкорлик қилаётир.

Мазкур компания дерматология, стоматология, педиатрия, санитария ва гигиена, соғлиқни сақлашни ташкил этиш соҳаларида Ўзбекистоннинг истеъдодли талабалари ва ёш илмий ходимларига стипендиялар жорий этди. Болаларга санитария-гигиена бўйича билим бериш борасида ҳам фаол иш олиб борилаётир. Ҳозирги кунда АҚШ, Канада, Буюк Британия, Польша, Хитой, Мексика, Греция, Украина, Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистонда оғиз бўшлиғи гигиенаси ва тиш касалликларининг олдини олиш бўйича ўқитиш дастурлари олиб борилмоқда.

Марказий Осиё давлатларида ушбу дастурларни ўқитиш 1996 йилдан бошланди. 1997-98 ўқув йилида Ўзбекистоннинг 40 минг ўқувчисига дарслар ўтилди. Мақсад — ўқувчиларга асосий кўникмаларни сингдириб, ёш авлод саломатлигини яхшилашдир.

Шунингдек, ўсмирларнинг ёшга нисбатан гигиенаси бўйича дастурларни амалга ошира бориб, республиканинг 50 минг нафардан зиёд қизларига бу борада етарли маълумотлар берилди. Дастурдаги учинчи йўналиш — ёш оналарда янги туғилган чақалоқлар ва кўкрак ёшидаги гўдакларни парвариш қилиш бўйича амалий кўникмаларни ҳосил қилишга эришишдир.

Кейинги икки йилда компания Ўзбекистонда «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари билан ҳамкорликда мактабларда юқоридаги мавзуларда ўқитиш ишларини амалга оширди.

Бу ташкилот ҳозирда тараққий этган мамлакатларда тажриба орттириб қайтган малакали маҳаллий ходимларга эга. Яқинда ҳамюртларимиздан бир неча нафари компаниянинг Италия, Швейцария, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон бўлинмаларига ишга таклиф қилинди. Ваколатхона ходимларининг 85 фоизини ерлик аҳоли вакиллари ташкил қилиши, айниқса, қувончли ҳолдир.

Дилшод ҚОСИМОВ,
Давур ТУРОН.

ДИЛГА ЧИРОҚ ЁҚҚАН ЮРТ

Маданият ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят қўмитаси мустақиллигимизнинг 10 йиллиги ҳамда Оналар ва болалар йили муносабати билан бир қатор тадбирлар ўтказмоқда.

«Дилга чироқ ёққан юрт» мавзуидаги «Ким қувноқ, ким зукко» баҳси мазмун-моҳияти билан мунозараларга бой бўлди. Фарғона шаҳар маданият бўлимининг Зулхумор Мамасаидова бошлиқ «Аҳмад-Ал-Фарғоний» жамоаси аъзолари Қиргули тумани маданият бўлимининг Гулшаной Йўлдошева раҳбарлик қилаётган «Қир гуллари» қизлар билан ўзаро беллашдилар.

Тадбир халқимиз ўртасида ажойиб қобилият соҳибалари бисёр эканлигини яна бир карра намойиш этди. Қўшиқчилик, раққосалик санъатлари, «Ким эпчилу ким чаққон?» ўйинлари ўзининг муносиб баҳосини олди.

Танлов ғолибларига маданият ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитасининг «Фахрий ёрлиқ»лари ва «Камолот» жамғармаси вилоят бўлимининг эсдалик совғалари топширилди.

А. ТЎХТАСИНОВ,
«Ишонч» мухбири.

ХУНАРЛИ БЎЛИШДИ


Андижонда аҳолини ишга жойлаштириш ва ижтимоий ҳимоялаш шаҳар бўлими ҳамда меҳнат биржаси ташаббуси билан янги иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

Мулк шакли турлича бўлган корхоналар, муассасалар, кичик ва хусусий фирмалар 700 та бўш иш ўринларини таклиф этишди. 550 нафардан зиёд шаҳарлик ёшлар доимий ишга йўлланма олишди. 60 нафардан зиёд ўғил-қизлар халқ ҳунармандчилиги касбларини эгаллаш учун ўқишга юборилди. Мутахассислар бундай ярмаркаларни ҳар бир чоракда ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топишди.

«Туркистон-пресс»


Нон — неъматларнинг улуғидир. Дастурхонимизда турли таомлар бўлсаю нон бўлмаса татимайди. Шу боис ота-боболаримиз ноннинг увоғини ҳам исроф қилмай, кўзга суртишган.

Шаҳрихон савдо ишлаб чиқариш жамиятига қарашли «Иссиқ нон» корхонаси халқимиз дастурхонига бўрсилдоқ, сифатли неъматни етказиб беришда намуна бўлаяпти. Замонавий технология, ишчиларнинг юқори малакаси, ходимларга яратилаётган қулай шароитлар ютуқлар омилидир.



Суратларда: корхона ҳаётидан лавҳалар.

М.ҚОДИРОВ олган суратлар.



Бир хат

НОГИРОННИ ҚЎЛЛАШ

«Хурматли «Ишонч» газетаси ходимлари! Бир йилдан буён бормаган идорам қолмади. Турмуш ўртоғим, Жумақулов Раҳмон 1986 йилнинг 15 июнида автомобил ҳалокати туфайли I-гуруҳ ногирони бўлиб, ўз умрини тўшакда ўтказмоқда. 7 нафар фарзандимни тарбиялашда она, ҳам ота вазифасини ўтамоқдаман. Туман мутасаддилари фуқаролар талабини эътиборга олишмаяпти...

Ушбу мисралар Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани «Сайроб» кооператив ширкат хўжалигининг «Обгир» участкасида яшовчи Норбиби Туралиева йўллаган мактубдан келтирилди. Шикоят хатини олгач, сафарга отландик.

— Опа тўғрисини ёзган, - деди «Сайроб» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Мерган Шотуров. — Қайсики туман миқёсида ҳал этиш мумкин бўлган ишга беписанд қаралганидан сўнг муаллиф марказий газетага мурожаат қилишга мажбур бўлган. Бу масалада ўзимизни оқлай олмаймиз.

Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси ҳамроҳлигида «Обгир»даги Раҳмон Жумақуловлар хонадонида бўлдик. Уйнинг кунгай қисмида сим кроватда ётган Раҳмон акани дард анчайин букиб қўйибди. Бизни кўриши билан ўрнидан туришга чоғланди. Лекин, уддалай олмади. Жўжабирдай жон билан куймаланиб юрган Норбиби опа тақдирнинг оғир синовларидан чарчаб қолганлиги сезилиб турарди. Эрининг тўшакка «михланиб» қолганлигига 15 йил бўлибди.

— «Сайроб» хўжалигида шофёр бўлиб ишлардим, - ҳикоя қилади Раҳмон Жумақулов. — Шўрчидан чорва моллари га ем олиб келаётганимда фалокат юз бериб, машина ағдарилиб кетди. Ҳаётдан умидимни узгандим. Лекин бола-чақамнинг пешонаси эканми, тирик қолдим. Шунисига ҳам шукр қиламан. Табиатнинг мусаффо ҳавосидан нафас олиб, астойдил ишлагим, болаларимни суюб-эркалагим келади. Лекин, начора...

— Хўжалик товон пулини бериб турарди. Лекин кейинчалик пул ўрнига турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари беришга ўтиб олишди, - дейди Норбиби опа. — Икки-уч йилдан буён шу ҳам йўқ. Ҳолимиздан ҳеч ким хабар олмай қўйди. Нафақасини олиш учун ҳам ўзим югуриб-еламан. Рўзғор ўтказиш учун ўтган йили томорқамизда саримсоқпиёз етиштирдим. Уни коримизга яратиш мақсадида кўтарасига харидорга бериб юбордим. Лекин орадан йил ўтса-да, меҳнатим маҳсулини ололмай юрганлигим алам қилади. Бу ҳақда қишлоқ фуқаролар йиғини, вилоят ва туман раҳбарларига кўп марта учрашдим. Жонимга аро кирадиган мард топилмаганидан сўнг, «юқори»га ёзишга мажбур бўлдим. Мана газета аралашувидан сўнг саримсоқ-пиёз учун 15 минг сўм берадиган бўлишди. Туман ижтимоий таъминот бўлимидан келиб, бир жуфт қўлтиқтаёқ ҳам беришди. Бу ҳам сизларнинг шарофатингиздан. Наврўз тадбирлари ўтаётган кунларда ҳам ногирон эримнинг ҳолидан ҳеч ким хабар олмаганлигидан эзилиб кетаман. Ахир Наврўз меҳр-оқибат, мурувват байрами-ку!

— Хўжалик касаба уюшма қўмитаси вакиллари келиб туришадими? - сўраймиз уй эгаларидан.

Рад жавобини эшитиб, хўжалик раиси гап қўшди.

— Тўғри, айбимиз бор. Кейинги уч-тўрт йилда бу хонадонга ёрдам қила олмадик. Яқинда бир бош қўй бердик. Иш ҳақидан қарзимиз анчагина. Ҳозир хўжаликда тафтиш ўтказилаяпти...

Оламга машҳур Сайроб ҳақида билмаган киши бўлмаса керак. Минг йиллик тарихга шоҳид улкан чинор остида бир фурсат дам олиб, зилол чашмадан тўйиб сув ичган йўловчи манзилига бориб қолганлигини сезмайди. Лекин афсуски, Сайробнинг бугунги аҳволини кўриб кўнглингиз хира тортади. Илгариги файзи-таровати йўқолган гўё. Беш-ўнта тижоратчининг саъй-ҳаракатини ҳисобга олмаганда ён атроф сув қуйгандек жим-житлик.

— 1994 йилнинг 26 июни биз сайробликлар хотирамизда узоқ вақт сақланиб қолади, - дейди Тўхтамиш Шодиқулов. — Ўшанда мен «Сайроб» маҳалла йиғини раиси эдим. Бизни газ муаммоси қийнаб қўйган эди. Аёллар ўчоқ бошидан бери келмасди. Ҳурматли Президентимиз Термиздан Қаршига ўтиш пайтларида «Сайроб»да тўхтаб, одамлар билан қизғин мулоқот қилдилар. Турмуш шароитларимизни сўраб, камчиликлар ҳақида очиқ-ойдин гапиришимизни сўрадилар. Ҳамма жим. «Мен ҳар куни кела олмайман, бир нарса ундириб қолинглар», дедилар кулиб. Оломон сукутини бузиб, газ йўқлигини айтдим. Қўлимни қисиб «Сайроб»га албатта газ келади» дедилар. Дарҳақиқат, орадан кўп вақт ўтмай 40 километрли масофа ортда қолиб, хонадонларимиз табиий газдан баҳраманд бўлди.

Хўш, тоғ қишлоғи «Сайроб»да нега бугун файз кетган? Теварак-атрофни тоза ва озода сақлаб, йўловчиларнинг ҳақиқий ором оладиган масканига айлантириш учун нималар қилиняпти?

Маҳаллий раҳбарлар, хўжалик мутасаддилари табиат яратган бу гўзалликни, улкан Чинор тарихини тўлалигича кейинги авлодларга етказишда наҳотки ўзларида масъулият ҳис қилмасалар?

Маъмурий идорага кирар экансиз, пештоқида қайси вилоят, туманга тегишли эканлигини бил-

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

САВОЛ: Ҳозирги кунда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти ветеринария факультетининг бешинчи курсида ўқийман. Қишлоқ участка шифохонасида 0,5 ставка врач-лаборант штати мавжуд. Врачлар етишмаган пайтда мен шу вазифада ишлашим мумкинми?

У.Файзиев, Ургут тумани.

ЖАВОБ: Меҳнат Кодексининг 80-моддасида ишга қабул қилишда талаб қилинадиган ҳужжатлар кўрсатиб ўтилган бўлиб, ишга кираётган шахс қуйидаги ҳужжатларни:

— паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатни, ўн олти ёшгача бўлган шахслар эса, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва яшаш жойидан маълумотнома;

— меҳнат дафтарчасини (биринчи марта ишга кираётганларга бу тааллуқли эмас), ўриндошлик асосида ишга қабул қилинаётган шахслар меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан олган маълумотномани;

— ҳарбий хизматга мажбурлар ҳарбий билетини, чақирилувчилар ҳарбий ҳисобда турганлиги тўғрисидаги гувоҳномани;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус маълумотномага ёки махсус тайёргарликка эга шахсларгина бажариши мумкин бўлган ишларга кираётганда олий ва ўрта махсус ўқув юртини битирганлиги тўғрисидаги дипломни ёки мазкур ишни бажариш ҳуқуқини берадиган гувоҳномани ёхуд бошқа тегишли ҳужжатни тақдим этиши шарт.

Ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахсдан қонун ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилиш умуман тақиқланади. Шу қаторда, қонун ҳужжатларида кўрсатилган, ҳужжатлар тақдим қилинмасдан ишга қабул қилинганлар билан Меҳнат Кодексининг 106-моддаси 4-банди асосида меҳнат шартномаси бекор қилинади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга бўлган шахслар йўл қўйилиши мумкин бўлган ишни бажаришга киришда ишга кирувчи олий ёки ўрта махсус ўқув юртини битирганлиги тўғрисидаги дипломни, ушбу ишни бажариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани ёхуд бошқа тегишли ҳужжатларни тақдим этишга мажбурдир. Ишга қабул қилишда бундай ҳужжатлар талаб қилинадиган ходимларга, масалан, транспортнинг барча турлари ҳайдовчилари, педагоглар, тиббиёт ходимлари ва тегишли ҳужжатларсиз ишлаши қонунда тақиқланган бошқа шахслар киради.

Булардан ташқари, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида тайёрланган ва берилган мутахассисликларини тиббиёт ва фармацевтика фаолиятлари билан шуғулланиш тартибларини тасдиқлаш ҳақида»ги 26 август 1992 йилдаги 460-сон буйруғи ҳамда Соғлиқни сақлаш муассасаларида врачлик ва ўрта тиббиёт ходими лавозимлари номенклатураси тасдиқланган 26 август 1992 йилдаги 461-сон ва 1993 йил 8 январдаги 2-сон буйруқлари мавжуд.

Демак, қонун талабларига ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқларига мувофиқ врач-лаборант бўлиб ишлаш учун сиз албатта шу мутахассислик бўйича ўқув юртини томомлаган бўлишингиз шарт.



Бухоро туман прокуратураси ходимлари хўжаликларда тез-тез бўлишиб жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан ибратли тадбирлар уюштиришмоқда.

Суратда: терговчи, учинчи даражали ҳуқуқшунос Алижон Қиличев (чапдан) адвокат Олим Менглиев ва жамоатчи ёрдамчи Бобокул Норов билан галдаги вазифалар хусусида фикрлашмоқда.

Р.АСЛОНОВ олган сурат.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОМОНИДАН РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНГАН ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ КОНВЕНЦИЯЛАРИ

105 — КОНВЕНЦИЯ

Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида 1957 йил Конвенцияси (қисқача мазмуни)

Мазкур Конвенция зўрлаб ишлатишни ёки мажбурий меҳнатни тугатишга, шунингдек, шундай меҳнатдан:

* сиёсий таъсир, тарбия воситаси сифатида, ўрнатилган сиёсий, ижтимоий ёки иқтисодий тузумга қарши бўлган сиёсий қарашлар ёки мафкуравий эътиқоднинг мавжудлиги ёки ифодаланиши учун жазо чораси сифатида;

* ишчи кучини иқтисодий ривожланиш эҳтиёжлари учун сафарбар этиш ёки ундан фойдаланиш усули сифатида;

* меҳнат интизомини ушлаб туриш воситаси сифатида;

* ирқий, ижтимоий ва миллий келиб чиқиши ёки динга эътиқоди белгиларига кўра камситиш чораси сифатида;

* иш ташлашда қатнашганлик учун жазо воситаси сифатида фойдаланмасликка қаратилгандир.

Халқаро меҳнат ташкилотининг ушбу Конвенцияни ратификация қилувчи ҳар бир аъзоси зўрлаб ишлатиш ва мажбурий меҳнатнинг юқорида келтирилган турларини зудлик билан ва тўла бекор қилишга қаратилган самарали чора-тадбирларни кўрмоғи лозим.

Ўзбекистон КУФК меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлимининг шарҳи.

Ушбу Конвенция ХМТнинг саккизта асос солувчи Конвенцияларидан бири бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси томонидан 1997 йил 30 августда ратификация қилинган.

Миллий қонунчилик ҳужжатлари мазкур Конвенция принципларига мос келади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддаси суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнатни тақиқлайди.

Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принципларидан бири — меҳнат қилишнинг ихтиёрийлигидир («Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси).

Меҳнат кодексининг 7-моддасида қуйидагилар белгилаб қўйилган: «Мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали (шу жумладан, меҳнат интизомини сақлаш воситаси тариқасида) иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади.

Қуйидаги ишлар, яъни:

* ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосида;

* фавқулодда ҳолат юз берган шароитларда;

* суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига биноан;

* қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда бажарилиши лозим бўлган ишлар мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайди».

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасида таъкидланишича:

«Унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларини тасарруф этиш ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият, шу жумладан, ҳақ тўланадиган ишни бажаришга алоқаси бўлмаган фаолият билан шуғулланиш мутлақ ҳуқуқи фуқароларга тегишлидир.

Мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Кишиларнинг ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаслиги уларни жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди».

Мустақиллик йилларида барча жабҳаларда катта ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, мамлакатда иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш, республикамизнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида улкан ютуқларга эришилди. Республикамиз Президенти ва ҳукуматининг алоҳида эътибори билан қисқа вақт ичида макроиқтисодий барқарорликка эришилди. Жумладан, банклар қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсишини таъминлашда ҳақиқий ҳамкор ва кўмакчи сифатида гавдалана бошлади.

АҲОЛИНИНГ БЎШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ

янада манфаатли омонат турларини жорий этиш имконини берди

Шулардан бири республикамизнинг энг нуфузли молиявий ташкилотларидан бири «Пахтабанк»дир. У ўз фаолиятини халқаро андозалар даражасига етказиш учун ҳаракат қилаётир. Банк капиталини кўпайтириш, унинг молиявий ҳолати ва кредит портфелининг сифатини яхшилаш, аҳолининг бўш пул маблағларини кенг кўламда жалб қилиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Натижада ўтган йилда мазкур банкнинг устав капитали 1,3 мартага кўпайиб, унинг миқдори 8,5 миллиард сўмга етди. Акциядорлар сони 21,5 мингга кўпайиб, 56 мингдан ортди. Банкнинг хусусий депозит базаси мустаҳкамланди. Аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб этиш жараёни жадаллашиб, банкнинг кредитлаш имкониятлари янада кенгайди.

Айни пайтда, аҳоли бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш юзасидан ишлар фаоллаштирилмоқда. Аҳолининг кенг қатламларига мўлжалланган «Нафақа», «Фаровонлик», «Навниҳол», «Барака» каби янги, манфаатли омонат турлари жорий этилди. Натижада банкда аҳолининг бўш пул маблағлари ҳажми 4725 миллион сўмни ташкил этди. Бошқача айтганда, бу омонатлар ўтган йил бошида банк ресурслари таркибининг 3,3 фоизига тенг бўлган бўлса, 2001 йил 1 январга келиб 11 фоизга етди. Унинг жозибадорлиги юксалди. Мисол учун нафақа ёшидаги мижозлар учун жорий этилган «Нафақа» омонатининг афзалликларини олиб кўрайлик. Бунда омонатчи ўз қўйилмаси ҳисобидан оладиган мўмайгина даромади эвазига ойлик нафақа маблағларини сезиларли даражада ошириш имкониятига эга. Бу бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий кўмакка кўпроқ муҳтож бўлган аҳоли қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш имконини беради.

Банк республикада кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга хизмат қиладиган қатор янги хизмат турларини жорий этди. Ўтган йил давомида тадбиркорларга банкнинг ўз маблағлари ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан 7,5 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар берилди. Бунинг натижасида жойларда 10 мингдан ортиқ янги иш ўринлари барпо этилиб, бу соҳанинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги салмоғи кескин ортди. Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат дастурига мувофиқ хорижий сармояларни жалб этиш юзасидан ўтказилаётган тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда.

Қишлоқда жойлашган субъектларга молиявий хизматларни кенгайтириш мақсадида банк томонидан лизинг асосида молиялаштириш бўйича 66 миллион сўм миқдоридаги 6 та лойиҳа кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Шундай қилиб лизинг хизматларининг умумий ҳажми 144 миллион сўмни ташкил этди. Улар юзасидан банкка 93 миллион сўм миқдорида тўловлар келиб тушди. Бошқача айтганда 1999 йилга нисбатан лизинг операцияларининг ҳажми 2 маротаба кўпайди.

Айни пайтда, «Ахбор-Рейтинг» Банклараро рейтинг компаниясининг ўтган йилги таҳлилларига кўра, «Пахтабанк» мамлакатнинг энг йирик банклари ичида «Фойдалилик» бўйича биринчи, «Молиявий фаолиятининг масштаблилиги», «Капитал етарлилиги» ҳамда «Ликвидлилик» кўрсаткичлари бўйича иккинчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтган давр мобайнида мазкур банк ўзининг молиявий аҳволини янада барқарорлаштириш ҳамда халқаро мавқеини мустаҳкамлаш йўлида изчил фаолият юритди. Илк маротаба «Томсон Файненшел Бэнк-Вотч» компанияси томонидан халқаро рейтинг билан тақдирланиб, муносиб равишда IC-C/D ҳамда LC-2 рейтинг кўрсаткичлари билан баҳоланди. Бундан ташқари, у республикамиздаги йирик банклардан бири сифатида қишлоқ хўжалигини кредитлаш халқаро Конфедерацияси (КИКА) билан 1996 йилдан эътиборан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Илк бор, ўтган йилнинг кузида «Пахтабанк» ташаббуси билан пойтахтимиз Тошкентда КИКА Бош Ассамблеясининг юбилей — ҳисоб бўйича ўттизинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Кўплаб йирик хорижий банклар президентлари иштирокидаги ушбу форумнинг ўтказилиши, халқаро молия ва банк ҳамжамияти томонидан республикада амалга оширилаётган ислоҳотларга билдирилган катта қизиқишларнинг амалдаги натижаси бўлди.



Шу йилнинг май ойида «Пахтабанк» Осиё-Тинч океани қишлоқ хўжалигини кредитлаш ассоциацияси (АПРАКА)-га аъзо давлатлар иштирокида навбатдаги шундай йирик анжуманнинг Тошкент шаҳрида ўтказилишида ташаббус кўрсатмоқда.

Ўтган йилда Германиянинг КФВ, ДГ, Хиповерейнс Европа Тараққиёт ва Тикланиш банки билан тузилган шартномалар асосида 30 миллион АҚШ доллари ҳамда 34 миллион евро миқдорида чет эл сармоялари жалб этилди. Юқорида қайд этилган кредит линияларини ўзлаштириш мақсадида сармоявий лойиҳалар портфели шакллантирилмоқда. Бу лойиҳалар асосан экспортга йўналтирилган ва импортнинг ўрнини босувчи озиқ-овқат ҳамда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш учун жиҳозларни сотиб олишга йўналтирилгандир.

«Пахтабанк» мижозларининг ҳақиқий ҳамкори сифатида уларга доимий равишда кенг кўламдаги замонавий ва мақбул хизматларини кўрсатиб келди. Банк томонидан хизмат кўрсатилаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро молиявий муносабатларини яхшилаш, уларга банк консалтинги бўйича кўмаклашиш, «Банк-Мижоз»компьютерлаштирилган дастурини ўрнатиш каби ишларни доимий равишда амалга оширмоқда.

Хуллас, «Пахтабанк»нинг бултурги барча саъй-ҳаракатлари қабул қилинган бизнес-режа ва бюджетини ижро этишга, банкнинг ликвидлик ва фойдалилик даражасини оширишга, акциядорларга имкон қадар кўпроқ дивидентларни тўлашга йўналтирилди. Тижорат банклари ўртасида биринчи бўлиб ривожланган давлатлар амалиётига ёндошган ҳолда халқаро андозаларига мос келадиган ва мустаҳкам банк инфратузилмасини ташкил қилиш ҳамда Республикамиз иқтисодиётида етакчи ўринни эгаллаб келаётган кооператив қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини яхшилаш мақсадида банкнинг «PAXTA-INVEST» бошқарувчи компания ва «PAXTA-SERVES» депозитарийсини ташкил этди.

Гулом ЮСУПОВ,
«Ишонч» мухбири.

изидан

ШУНЧАЛИК ҚИЙИНМИ?

Бугунги ёшларимизнинг қизиқишлари нималардан иборат? Бу саволнинг ботбот такрорланаётгани бежиз эмас, албатта. Ҳозирги давр ёшлари илгариги ёшлардан тубдан фарқ қилади. Боиси, буюк даҳолар орисларининг олдида келажакда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиш, интелектуал қобилиятини тўла намоён эта олишдек вазифа турибди. Шукрки, бешикдан то қабргача илм изла, деган муқаддас ҳадис ёшларимиз онги-шуурида мустаҳкам ўрнашган, уларни бир зум бўлса-да бўш ўтиришга қўймайди.

дирувчи пештахтани кўрмадик. Хоналар хароба аҳволда, дераза ойналари йўқ ёки синиб ётибди. Стол-стуллар омонат.

— «Ишонч»дан келганлигингизни эшитиб келаяпман, - деди Хўжамқул Чоршанбиев. — 1985 йилнинг май ойидан буён шу хўжаликда техника хавфсизлиги муҳандиси бўлиб ишладим. 1994 йилда нафақага чиқсам-да, яна салкам икки йил ишладим. Шундан буён ўғлим Шамшир Чоршанбиев ишимни давом эттираяпти. Мен-ку хонага ёлчимай, ҳужжатларимни қўлтиқлаб юриб умримни ўтказдим. Эндиги давр ёшларидан бошқачароқ ишлаш талаб қилинаётган бир пайтда хўжалик раҳбарлари тузукроқ шароит яратиб берсалар бўларди. Техника хавфсизлиги бўйича махсус хона зарур кўргазмали воситалар билан таъминланишини яхши биламан. Лекин раҳбарларга бу ҳақда оғиз оча кўрманг. Нақ балога қоласиз. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунини бажариш юзасидан эътирозларимизни билдирганимизда раис бунга эътибор ҳам бермади. Ажабо, Қонунни «билмаган» ёки уни менсимаган раҳбар ишни тўғри ташкил эта оладими? Агар ишлар Қонун талабларидан келиб чиқиб бажарилганида, айни йигит ёшида Раҳмон Жумақулов бир умр тўшакка михланиб қолмас эди. Ишчиларга бу каби ҳолатлар кенг тушунтирилиб, хавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилиш ўргатилмас экан, юқоридагидек кўнгилсизликлар яна такрорланмаслигига ким кафолат беради?

Бир неча йил хўжаликда ишлаб, нафақага чиққан Хўжамқул ака ҳалигача 1996 йиллардаги иш ҳақини ололмай сарсон бўлиб юрганлиги етмагандек унинг ўрнига келган ўғли Шамшир ҳам иш ҳақи деса пешонаси тиришадиган мутасаддилар билан бундан буён қандай муомала қилишга ҳайрон.

— Очиғи, ўғлимнинг ҳам ишдан кўнгли совуган, - деди Хўжамқул ака. — Бирор жойдан дурустроқ иш топса, шу заҳоти бўшашга ариза берарди.

515 нафар ширкат аъзоларидан 356 нафарига меҳнат дафтарчалари юргизилган холос. Ходимлар бўлими бошлиғи Нарзулло Бердиевнинг бу масъулиятсизлигини қандай изоҳлаш мумкин? Қонун бузилаётганини наҳотки шу соҳа билан шуғулланувчи мутасаддилар билишмаса? Меҳнаткашларнинг таътилга чиқиш рўйхати то ҳануз тузилмаган.Кўриниб турибдики, хўжаликда ишлар ўлда-жўлда бўлганлиги учун ҳам меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш юзасидан тайинли иш қилинмаган. Ҳатто, хўжалик касаба уюшма қўмитаси раиси Тоғай Худойбергановнинг тергина хонасида касабақўм фаолиятига оид бирорта ҳужжат кўринмайди.

Чорвачиликка ихтисослашган бу хўжаликда 70 та оила пудрат асосида иш юритади. Аммо меҳнаткашлар учун қулай иш шароитлари яратилмаган. Машина трактор парки ҳовлисидаги тартибсизликлар эса хўжасизлик оқибати. Томи очиб ташланган устахонадаги ишлар ҳам ўлда-жўлда. Ҳар жойда эҳтиёт қисмлар сочилиб ётибди.

Хуллас, «Сайроб» қишлоқ хўжалик кооператив ширкат хўжалиги мутасаддилари, мутахассислари ўз ишларини қайта кўриб чиқмас ва тўғри ташкил этмас эканлар, меҳнаткашлар турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисидаги режалар қуруқ сўз бўлиб қолаверади.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири.



И.ҲАСАНОВ олган сурат.

САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР БИРЛАШТИРИЛДИ

Шаҳрихон тумани ҳокимлиги ҳуқуқ-тартибот идоралари, жамоатчилик ташкилотлари, ўқув юртларининг педагогик жамоалари, ота-оналар қўмиталари ҳамда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича комиссиялар ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштиришди.

Туман ташкилотларининг бир ёқадан бош чиқариб ишлашлари туфайли янги иш ўринлари барпо қилиш ва ёшларни меҳнатга жалб этиш юзасидан жиддий юмушлар олиб борилаётир. Бундай муҳим эътибор ижобий натижаларни беряпти. 330 нафардан зиёд вояга етмаган ёшлар ўз ҳоҳишлари ва қобилиятларига қараб ишга жойлаштирилди.

Баҳор қуёшининг заррин нурларига чўлғонган «Бўзсув» тўлғаниб оқади. Соҳилдаги ямяшил майсалар наҳорий илиқликдан баҳра олиб киши дилига ажиб туйғуларни солади. «Шаҳидлар хиёбони» ҳам одатдагидан гавжум. Ўқувчилар, талабалар, онахону отахонлар зиёратга ошиқишади.

Севимли ёзувчимиз Абдулла Қодирийни эслаб


СЎЗНИ НУРЛАНТИРГАН АДИБ

Бошига оппоқ рўмол ташлаган, юзларидан нур ёғилиб турган 75 ёшлардаги онахон дуога қўл очади.

— Илоҳо, шу муборак заминда манзил топганларнинг охиратлари обод, ётган жойлари жаннат бўлсин. Ул азизларнинг руҳларини шод, манзилларини гулистон этган Юртбошимизга яратганнинг ўзи мададкор бўлсин.

Онахонга қўшилиб юзимизга фотиҳа тортамиз. Ўзларини Мўътабархон ая деб таништирган онахон кўз ёшларини арта-арта сўзлайдилар.

— Абдулла Қодирий наинки севимли ёзувчим, балки маънавий устозим десам, хато бўлмас. Ул азиз инсоннинг китобларини қайта-қайта ўқиганман, ҳатто айрим сатрлари ёд бўлиб кетган. Гап шундаки, маним қисматим худди Кумушбибининг ҳаётига ўхшайди. Тақдир тақозоси билан Тошкентга келиб қолганман. «Отабегим» урушда ҳалок бўлган... Шу-шу «Ўтган кунлар»ни ўқиб, ўзимни Марғилон боғларида юргандек ҳис қиламан... Қодирийнинг таваллуд кунларида зиёрат қилгани келган эдим...



Ҳа, эзгу сўз бир нур, у қалбни, руҳни ёритади. Бундай нурни на суронли давр, на таъқибу таҳқирлашлар йўқ қила олади. Шунинг учун ҳам Қодирийнинг номи ва асарлари тақиқланган энг оғир йилларда ҳам унинг китобларини одамлар беркитиб ўқишган, гап-гаштакларда ёддан айтишган.

Юрт озодлиги йўлида «кўксини ўққа тутган» Абдулла Қодирий миллатнинг чинакам қиёфасига, тимсолига айланган буюк ёзувчи. Одил Ёқубов эътироф этганидек, «37-йили севимли ёзувчимиз кўксига отилган ўқ, аслида миллий адабиётимиз кўксига отилган ўқ эди». Миллатимиз, миллий адабиётимиз кўксидаги жароҳатларга Истиқлол малҳам қўйди, қатағон қурбонларининг номи тикланди. Аслида Абдулла Қодирий бобомиз ҳам бутун ижоди, ҳаёти билан Озодлик учун, бугунги эркин замонлар учун курашган эди. Элпарвар Юртбошимиз буни юксак қадрлаб, севимли ёзувчимизни «Мустақиллик» ордени билан рамзий маънода тақдирладилар.

Шу куни минглаб ўзбек йигит-қизлари қалбида Қодирий бобо жасорати, адабий танқидий мақолаларида ҳам янги ўзбек театри, адабиётининг дастлабки қадамлари, ундаги баъзи камчиликлар, ундан воз кечиш йўллари аниқ, равшан кўрсатиб берилган. Бетимсол ижод соҳиби ҳамиша ёшларга раҳнамолик қилган. Унинг йўлйўриқлари ўзбек ёшлари қатори, қардош халқлар адабиёти ва санъатида етакчи омил бўлди. Бу ҳақда профессор Е.Э.Бертелс шундай деган эди: «Дунёда бешта — француз, рус, инглиз, немис ва ҳинд романчилиги бор эди. Энди олтинчисини, яъни ўзбек романчилик мактабини Абдулла Қодирий яратиб берди».

Абдулла Қодирий ижоди мамлакатимиз тарихида, унинг миллат сифатида ўзлигини англашида, маънавий камолотида алоҳида ўрин тутади. «Ўткан кунлар» романида ёзувчи узоқни кўриб, ўзбекнинг бошига тушажак фожеаларни ақл-тафаккур билан ҳис қилиб, Юсуфбек ҳожи тилидан халқни иноқлик ва аҳилликка чақиради, миллат учун ноаҳилдик тарих олдидаги кечирилмас гуноҳ эканлигини қайта-қайта такрорлайди. Абдулла Қодирий даврнинг қомусчиси сифатида ана шу аччиқ ҳақиқатни қаламга олди. Халқни бирликка, якдилликка чақирди.

Миллатнинг Абдулла Қодирийдек улкан ёзувчилари қолдирган мерос, халқ қалбини бугун ҳам нурлантириб турибди.

Амина ҚОДИРОВА.

Исматулла Умаров Каттақўрғон шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси. Нозик табиатли инсон. Шу боисмикан, бўш қолди дегунча китоб ўқийди, ижод қилмоққа интилади. Қуйида унинг назм бўстонидан бир даста гул туҳфа этмоқдамиз.

ТАБАССУМ ТАРАЛСИН

Тонг пайти меҳр-ла боқсам ўлкамга,
Уйқудан уйғонган далалар гўзал.
Шу тонгда табассум қилган одамга
Боқсам, кўзларида ўқийман ғазал.

Тонгмикан одамни шодон уйғотган,
Ё уйғотдимикан одам оламни?
Қутлайман дилимда меҳр уйғотган,
Кўнглимни зеб этган ғолиб одамни!

Меҳр ва табассум бирла эш бўлиб,
Қўлимга тутқазди қоғоз, қаламни.
Табассум таралсин ер шари бўйлаб
Одамлар билмасин қайғу-аламни.


* * *

Бизни улғайтгунча меҳрибон она,
Не-не азобларни кечирар бошдан.
Фарзанд-чун ўртаниб, бўлиб парвона,
Нур олиб тутади ой ва қуёшдан.

* * *

Одим ташлаб мағрур, мардона,
Мен боғ аро кезаман танҳо.
Еллар ишқдан сўйлаб афсона,
Хаёлларим тўзғитар гоҳо.

Иккинчи истеъдод



БУ САНАМ

(ғазал)

Во ажабки, дилкашу дилдор, дилоро бу санам,
Лутф ила эс-ҳушимдан айлади жудо бу санам.

Дилгинамнинг оҳу зори - минг, боқиши бир унинг,
Ул Ширину, ул Лайлидан минг бор аъло бу санам.

Қийналиб юргум, оғир кўп дилни абгор айламоқ,
Гоҳ хаёлда, тушда гоҳ, ўнгимда пайдо бу санам.

Мен яқин тутгим ўзимни, ул боқур сайёрага,
Оромим, ақлу ҳушумни олди бежо бу санам.

Раҳм этиб ул Исматига ҳол сўраб бир келмади,
Бошима солди ажаб, минг турли савдо бу санам.

Исматулла УМАРОВ.

Эътиқод

ЯХШИЛИК ЭЗГУЛИККА ЙЎЛ ОЧАДИ

Дунёдаги барча яхши неъматлар Оллоҳнинг инояти билан биз инсонларга инъом этилган. Ана шу эҳсондан биз қандай фойдаланамиз? Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд башорат қилганларидек, инсоннинг ҳар босган қадами сафар, ҳар қилган иши синовдир. Ёшинг улғайгани сари бу ҳақиқатни юракдан ҳис қиларкансан киши. Ҳаж инсон қалбини покдомон этади. Шундан бўлса керакки, ҳар бир мусулмон киши бу сафарни орзу қилиб яшайди.



Ота-боболарим ҳарчанд орзу қилиб етолмаган Ҳаж сафарига бормоқ менга ҳам насиб этганидан, аввал Оллоҳга, кейин адолатпарвар Юртбошимизга таҳсинлар ўқийман. Озодлик туфайли, мустаҳкам иймон-эътиқодимиз туфайли эришдик бу кунларга. Эсимизда, эскилик сарқити сифатида ҳайит байрамларини тақиқлаб қўйишгани. Бинобарин, қарамликда яшаган биз бандалар учун бу Озод кунлар — синов онларидир. Ҳар биримиз бир қалқонга айланиб, мустақилликни ҳимоя қилишимиз лозим. Ахир, эркин замоннинг қалбимизга солган ғурури, фахрини бирор нарса билан ўлчаб бўладими? Муборак Ҳаж сафарининг шукуҳи ҳам биздан шуни тақозо этади. Эсимда, эҳромга ўралиб турибману, кўзларимдан тинмай ёш оқади. Сафардошларимни кузатаман: Оллоҳ даргоҳида барча тенгдир, деган калом нақадар тўғрилигига иймон келтираман. Ҳа, ўша онда биз умримизни сарҳисоб қилиб Яратганнинг ҳузурига ошиқаётган эдик. Бошқаларни билмадиму, менинг кўз ўнгимда жаннат юртим, дўсту қадрдонларим бир-бир ўтарди. Юрагим тўлиб-тошиб Оллоҳдан дунёдаги барча халқлар қатори Ўзбекистонни, унинг халқини ҳамиша озод ва бахтиёр қилишни, мустақиллигимиз дунё тургунча туришини дуолар қилиб сўрадим. Ахир, айтишадику, ниятни яхши қил деб.

Байтуллоҳга борган қалби пок инсонлар, иншооллоҳ, Тангри таоло билан юзлашгай. Ва энг муҳими, умрининг охиригача Оллоҳ ҳидоят этган нурдан баҳраманд бўлиб, ўзгаларни ҳам эзгу ишларга даъват этиб яшагай. Буни ўз ҳаётимда кўрдим, билдим.

Ёшлигим уруш даврига тўғри келди. Қанча қон кечдик, қанча биродарларимиздан ажралдик. Насибамиз бор экан, ажал комидан омон қайтдик. Ҳалол меҳнат билан 6 фарзандимни тарбиялаб элга қўшдим. 27 нафар неварам бор. Тўрт ўғлимнинг бари олий маълумотли. Фарзандларимнинг ҳаммаси эл-юртга камарбаста, барчаси аҳилу иноқликда, меҳр-оқибатли. Ишонаманки, авлодларимнинг ҳаёти бахтиёрликда ва фаровонликда кечгай. Чунки, бу юртда мендек нуроний қорилар иззатда, дуода, ёшлар эса хизматда. Йўлбошчи халқпарвар, эртасини ўйлаб, озодлик пойдеворини мустаҳкам қураётир, элдан дуо олаётир. Эл дуосидан эса юрт бойийди, қудратига қудрат қўшилади. Иншооллоҳ, яхшилик эзгуликка йўл очади.

Гайбулла ҳожи НОРҚУЛОВ,
Бахмал тумани, меҳнат фахрийси.

Ўзбекистонда олтинчи марта «Илҳом-ХХ» замонавий мусиқа ва театр халқаро байрами ўтказилмоқда. Фестивал 20 апрел куни Тошкентда очилади.

ФЕСТИВАЛ ТАРАДДУДИ


Байрам Ўзбекистоннинг Баҳодир Жалолов ва Сергей Алибеков каби таниқли мусаввирлари асарлари кўргазмаси ҳамда тошкентлик камер мусиқаси ижрочилари концерти билан бошланади.

Байрам дастури кенг ва ранг-баранг бўлиб, унда таниқли мусиқий жамоалар ва ижрочилар қатнашади. Жумладан, улар орасида AnTIDogma Music (Италия), Centrishamps (Швейцария), Bang On f Can All Stars (АҚШ), АҚШлик пианиночи Борис Берман, франциялик Эрве Дезабр, италиялик Роберто Росседа, «Туркистон» камер оркестри ва бошқалар иштирок этадилар.

Фестивал тарихида илк бор Самарқандда ҳам концертлар берилади. Тошкентда пуфлаб чалинадиган асбоблар ижросида А.Шниткенинг «Реквием» асари янграйди.

Ушбу байрамга бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида сўзга чиққан «Илҳом» театрининг бадиий раҳбари Марк Вайлнинг таъкидлашича, бундай ғаройиб тадбирни ўтказишдан мақсад, мусиқий эҳтиёжимизнинг муқобил шаклларини яратиш, республика мусиқий марказлари билан бошқа мамлакатлар мусиқачилари ўртасида мулоқотни ривожлантириш ва ниҳоят ХХ аср мусиқаси хусусида тасаввурларимизни бойитишдан иборат.

«Туркистон-пресс»



НАФИСАНИНГ НАФИС САНЪАТИ

Навоий шаҳридаги «Ширин» маданият саройида Мукаррам Турғунбоева номидаги рақҳосалар кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган 15 нафар рақҳоса қатнашди.

Танловга Мукаррам Турғунбоеванинг шогирди, таниқли рақҳоса, Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Исматова ҳакамлик қилди. Рақҳоса қизлар маҳорат билан ўзбек миллий рақс санъатининг жозиба ва латофатини намойиш қилди. «Ўзбекнаво» гастрол концерт бирлашмасининг вилоят бўлими рақҳосаси Нафиса Раимова рақслари ҳакамларнинг юксак эътирофига сазовор бўлди. Нафиса танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

ЁШ МУСАВВИРЛАР КЎРИГИ

Қоракўл туманида мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб ёш мўйқалам соҳибларининг кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда мусаввирликка ҳавас қўйган ёшларнинг Ватанни улуғловчи, табиат манзаралари-ю, қадимий Бухоро обидаларини тараннум этувчи асарлари намойиш этилди.

Қоракўлда ёш рассомларни аниқлаш, уларнинг ноёб истеъдодларини юзага чиқариш, асарларини турли кўриклар орқали баҳолаш яхши йўлга қўйилган. Афсуски, бу ибратли ташаббус Бухоро вилоятининг бошқа туманларида ҳали ҳануз эътибордан четда қолиб келмоқда.

(ЎзА).

КИМ КУЧЛИ: «ДЎСТЛИК»МИ, «НАСАФ»?

Куни кеча мамлакат кубоги чорак финал баҳсларига қуръа ташланди. Унга кўра, чорак финалга йўлланма олган саккиз жамоа қуйидаги жуфтликларга ажратилди:

«Сўғдиёна» - «Бухоро»
«Дўстлик» - «Насаф»
«Андижон» - «Нефтчи»
«Қизилқум» - «Пахтакор»

Кейинги босқич иштирокчилари бир учрашув натижасига кўра аниқланади. Беллашувлар 11 май куни «Сўғдиёна», «Дўстлик», «Андижон», «Қизилқум» жамоалари майдонида ўтказилади.

ШАЦКИХ САФДА ЙЎҚ

«ЖЧ-2002» саралаш баҳсларига тайёргарлик кўраётган миллий терма жамоамиз асосий ўйинчиларининг биридан вақтинчалик бўлса-да, ажралди. Киевнинг «Динамо» жамоаси ҳужумчиси Максим Шацких Украина чемпионатининг навбатдаги турида — «Металлист» (Харьков) жамоаси билан учрашувнинг 6-дақиқасидаёқ жиддий жароҳат олиб, майдонни тарк этишга мажбур бўлди.

Маълум бўлишича, ҳужумчимизнинг яқин кунларда Тошкентда бошланажак саралаш учрашувларида терма жамоамиз таркибида бўлмаслиги аниқ. Янаям ачинарлиси, М.Шацкихнинг май ойи бошларида Иорданияда бўлиб ўтадиган иккинчи давра баҳсларида ҳам майдонга тушиши эҳтимоли жуда кам.

Футбол

ИРИСМЕТОВ — ЗАҲИРАДА

Россия чемпионатининг 4-турида «Алания» меҳмони бўлган «Крилья Советов» жамоаси ҳамюртимиз Миржалол Қосимов томонидан киритилган ягона гол ҳисобига биринчиликда ўз «яккаҳокимлигини» давом эттирди. М.Қосимовнинг собиқ жамоадошлари — владикавказликлар эса тобора муваффақиятсизликлар домига тушиб бормоқда.

Афсуски, ушбу турда Романцев «кашфиёти» — Жаъфар Ирисметов майдонга тушмади. Заҳирада қолдирилган ҳамюртимиз ҳали ўз устида кўпроқ ишлашига тўғри келади, шекилли.

МЯГКОВ «АНДИЖОН»ДАН КЕТДИ

Ҳа, чемпионатимизнинг эндигина 4 та тур учрашувлари ўтиб бўлар-бўлмас бош мураббийларнинг истеъфоси бошланди. Илк учрашувларни бироз муваффақиятсиз бошлаган «Андижон» жамоаси бош мураббийси А.Мягков хорижий клубдан тушган таклиф сабабли жамоани тарк этди.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.
ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 23.15
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.
Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6